

(1710-1750)

(1733-1750)

Минг сулоласидан бўлган Кўкон хони. Шохрухбийнинг ўгли. Акаси Абдурахимбий вафот этгач (1733), тахтга ўтирган. Хонлик ўрдасини Кўкон якинидаги Тепакўргондан Кўконга кўчирган. 1746-йил Ўратепа хокими Фозилбий ёрдамида Калмоқлар хужумини кайтарган. Абдулкаримбий Кўкон шахрида сарой, мадраса, бозор ва Исфара, Катагон, Маргилон, Тошкент, Хайдарбек номли шаҳар дарвозаларини курдирган.

Акаси вафот этгач ҳукмдор этиб тайинланади, у Кўконга кўчиб боради ва уни кайтадан куради. 1746-йилда хитойликлар Кошгарни босиб оладилар ва жунгор давлатини тор-мор қиладилар, калмик кўчманчиларининг бир қисми гарбга юриб, Фаргона водийсига бостириб қиладилар. Абдукарим калмикларга қарши Кипчок бачча бошчилигида кўшин юборади, лекин у ўлдирилади. Унинг ишонган кўшини эса қочиб кетади, натижада калмиклар Кўконга яқинлашиб қоладилар. Ўратепа хони Фозилбий (Содикбийнинг ўгли ва Абдукаримнинг аталган ўгли) буни билиб қолиб, кўшин билан ёрдамга келади. Қонли жанглардан сўнг калмиклар Кўкондан чекинадилар. Абдукарим 1750-йилда 40 ёшида вафот этади, Кўкон хонлиги тахтига эса унинг ўгли Абдурахмон ўтиради.

У ўз пойтахтини Тепакўргондан Кўкон шаҳри ўрнига кўчиради. У Кўконнинг Эски ўрда деган жойида ўрдақалъа курдиради. Атрофини шаҳар қилиб, девор билан ўратади. Ўшанда Кўконнинг Катагон, Маргинон, Тошканд, Хайдарбек деган тўрт дарвозаси бўлган.

Абдулкаримхон ўз давлатини мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини оширишга интилди. 1745-1746-йиллари калмоқлар Фаргона водийсига хужум қилиб Ўш, Андижон, Маргилон шаҳарларини босиб олиб, Кўкон остоналарига қелиб пойтахтни камал қиладилар. Кўконликлар оғир аҳволга тушиб қолганда Ўратепа хокими Фозилбек кўшинлари билан бирга калмоқларга ёрдамга етиб келади ва ҳоинлар ҳам тор-мор этилади. Шу тариқа, фаргона водийси душмандан озод қилинади.